

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рүйхатга олини
№ Мод-194
2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2019 йил “2” ичорада даги
1023 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

“Тиббий биология”

йүналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус,
касб-хунар таълими ўйналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятни
Мувофиқлантирувчи кенгашининг
2019 йил 18, 10 даги 5 -сонли баённомаси билан маъқулланган*

- Тузувчилар:**
- “Ўзбекистоннинг миллӣ тикланишдан миллӣ юксалиш боекчида олий таълим вазифалари” модули о.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Санғизаров, ф.ф.д., проф. М.Қажхорова, о.ф.д., доц. Т.Алнимарданов.
 - “Таълим-тарбия жараёниларини ташкил этишининг норматив-хукуқий хужжатлари” модули ю.ф.и., доц. В.Топилдинев, ю.ф.и., доц. Х.Тўйчинева, доц. в.б. А.Раҳмонов.
 - “Педагогикин инновацион фоалиятини ривожлантириш” модули п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолинев, п.ф.ф.д. Г.Н.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, М.Матназарова, Н.Ҳавқазарова, А.Тўрғен, М.Инназаров, Д.Кушпарбаев.
 - “Электрон педагогикик асослари ва педагогикин шаҳений, касбий ахборот майдонини тақомиллаштириш” модули п.ф.д., проф. Ф.Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файззева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шобирданов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Г.Отамуродов.
 - “Амалий хорижий тилини ўрганишнинг интенсив усувлари” модули катта ўқитувчилар Ф.Бойсиринев, Н.Джабборова, Ш.Файзулаева, У.Гиясова.
 - “Таълим жараёнишни бошқарнишда тизимили таҳлил ва қарор қабул қилинининг замонавий технологиялари” модули т.ф.д., проф. А.Юлдашев, п.с.ф.и. Х.Алимов, ф.-м.ф.и., доц. В.Каримова.
 - “Маҳсус фанлар” бўйича: т.ф.д. профессор Р.И.Иершалов, т.ф.д. профессор Б.Б.Ирискулов, т.ф.д., профессор Р.Ж.Усмонов, катта ўқитувчи И.Д.Гулманов.

- Тақризчилар:**
- Козогистон Республикаси Ахмад Яссавий номидаги Туркистон тиббиёт университети профессор А.М.Дауреханов т.ф.д., доцент Д.А.Нишинов

Ўқув дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган (2019 йил _____ даги _____-сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнкимларини тақомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш боекчида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёниларини ташкил этишининг норматив-хукуқий хужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёниларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услуглари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогикнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масоғавий ўқитишнинг замонавий шаклларини кўллаш бўйича тегишли билим, кўнким, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириши ўйналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўнким, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар тақомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукуқий хужжатлари

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш;

2.2. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Тиббиётда рақамли трансформация.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилин ўрганишнинг интенсив усуслари.

4.2. Педагог маҳорати ва компетентлиги шаклланишида амалий хорижий тил аҳамияти.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиниш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошкаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишининг замонавий тенденциялари.

5.2. Даилилларга асосланган тиббиёт.

VI. Махсус фанлар

6.1. Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишда замонавий ёндошувлар.

6.2. Тиббий биологик фанлардаги илмий-услубий янгиликлар ва ютуқлар.

VII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига куйидагилар киради:

- “Тиббий биология” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларни такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларни ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Тиббий биология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари хамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги хамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- тиббий биология йўналиши фанининг асосий назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқларини, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;
- тиббий биологик фанларнинг фундаментал ва амалий жихатларини;
- тиббий биология йўналиши соҳасидаги инновацияларни ва таълим технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг назарий ва амалий асосларини;
- тиббий биология соҳасидаги мутахассисларга қўйиладиган замонавий талабларни;
- касалликлар ривожланиш босқичларининг тиббий-биологик хусусиятларини;

- касалликларни ташхислаш ва даволаш жараёнларида тиббий-биологик фанлар ютуқларининг аҳамиятини;
- тиббий биология йўналишидаги стандарт ва инновацион текшириш усулларининг касалликлар профилактикасидағи моҳиятни билиши керак;

Тингловчи:

- тиббий биология йўналиши фанларини ўқитища илғор таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;
- касаллик ривожланиши нуқтаи назаридан патологик босқичларни тахлил қилишда тиббий-биологик фанлар ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш;
- касалликларнинг социал-демографик муаммоларини ҳал қилишда тиббий биология йўналишларидан фойдаланиш;
- диагностика, даволаш ва профилактика масалаларида тиббий биология фанларининг замонавий усулларини самарали қўллаш;
- замонавий тиббиётнинг ижтимоий аҳамиятли соҳаларида тиббий биология ва клиник фанлар интеграциясига асосланган мухим тадбирларни ташкиллаштириш **кўнгмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тиббий биология йўналиши соҳасида замонавий диагностика усулларидан фойдаланиш;
- тиббий биология йўналиши соҳаларида касалликларнинг кечиш динамикасини аниқлаш;
- касалликларни даволашда тиббий биология йўналишидаги замонавий юкори самарали технологияларни қўллаш;
- касалликлар профилактикасида тиббий биология йўналиши ўрни;
- тиббий биология йўналиши фанларини ўқитища муаммоли педагогик вазиятларга инновацион ёндашиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- тиббий биология йўналиши нуқтаи назаридан касалликларни ташхислаш ва даволашда илғор хорижий таҳкрибаларни амалиётда қўллаш;
- шошилинч ҳолатларда тез ёрдам кўрсатишнинг тиббий-биологик асоси ҳақидаги;
- каминвазив ташхислаш ва даволаш усулларини қўллашнинг тиббий-биологик жиҳатдари ҳақидаги;

— мамлакат, аҳоли, регион, географик, иқлим, беморлар жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши каби кўрсаткичларни тахлил қилиш, қайта ишлашда тиббий биологик фанлар методологияларини кўллай олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми:

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўкув юкламаси ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгилантган. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидағи малака аттестати берилади.

“ТИББИЙ БИОЛОГИЯ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНинг ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҶУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристи. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида характерлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилсин” фояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши — мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг мухим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон

Республикаси Мактабгача таълим ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустакиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хукукий стандартларга мувофиқ аёлларнинг хукуқларини таъминлашда Хотин-қизлар кўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташабbusi.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хукуқий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг хукукий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг хукукий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хукукий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хукуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараённада гендер-дифференциланган хулқ-атворнинг таъсирини хисобга олиш масалалари.

Қонунисти хужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хукуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хукуқий хужжатларни кўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. ИЛФОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва қасб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимдада илфор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда таңқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари.

Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

2.2. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантириш.

Тиббиёт таълим муассасалари ўқитувчилари тадқиқотчилик компетентлиги. Тадқиқотчилик компонентларини такомиллаштириш даражасининг асосий тавсифи. Тиббий таълим педагоглари тадқиқотчилик фаолиятининг когнитив компонентлари асослари.

Нашр қилинган ишларда статистик таҳлил натижаларини тақдим этишининг замонавий халқаро тамоилларини.

Тиббий маълумотлар базасини статистик қайта ишлаш. Тиббий педагогларда тадқиқотчилик компетентлигини ривожлантиришнинг асосий қоидаларини шаклантириш. Тиббиётда кўлланувчи ўлчов шкалалари. Олинадиган эксперементал маълумотларнинг ўзига хослиги. Статистик қайта ишлаш учун тиббий маълумотлар базасини ташкил этиш. Тадқиқот натижаларини қайта ишловдан ўтказиш учун классификация ва адекват статистик мезонларни танлаб олиш. Статистик ишлов натижаларини интерпретация қилиш.

Тиббиёт тадқиқотлар режаси асосий қоидалари. Дастребки маълумотларни олиш учун кўлланиладиган кўрсаткичлар тавсифи. Маълумотларни классификация қилиш ва статистик қайта ишлашнинг асосий усулларини кўллаш.

Тиббий таълим педагоглари процесдуал фаолияти компоненти. Малакани эгалаш. Тиббий тадқиқотни режалаштириш. Нашр қилинган ишларда тадқиқот натижаларини тақдим этиш. Илмий тадқиқотчилик ишларида келиб чиқадиган муаммоларни таҳлил этиш. Олинган маълумотлар юзасидан фикрлай олиш ва хуносалар чиқариш. Ўз тадқиқот натижаларини оммага тақдим этиши.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЎЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида кўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг

хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булутли технологиялар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурй воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошк.) дан фойдаланиб мультимедиали ўкув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Тиббиётда рақамли трансформация

Рақамли трансформация тушунчаси ва унинг тиббиётдаги ўрни. Рақамли тиббиёт. Тиббий муассасада рақамли ахборотларни бошқаришнинг дастурий таъминоти. Беморларни электрон рўйхатга олиш тизимлари (Medesk, MEDODS, Инфоклиника, Renovatio, Clinic365, МЕДМИС, MedWork, MedOffice, Smart Медицина, МедАнгел). Тиббий маълумотлар: уларни тўплаш, саклаш ва ишлатишида рақамли технологиилар. Тиббиётда илмий тадқиқот жараёнларида олинган натижаларни ахборот технологиялари ёрдамида қайта ишлаш, статистик анализ қилиш (MS Excell, SPSS дастури). Интерактив симуляторлардан тиббий таълимни ташкил этишида фойдаланиш (ZygoteBody, МООС лардан фойдаланиш). Телемедицина ва унинг тиббиётдаги ўрни.

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – В1, В2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўнікмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўнікмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўнікмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида,

мамлакатимизнинг машхур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Олий таълим жараёнини бошқариша тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий тенденциялари

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, максад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалаврият ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иктидорли талабаларни кидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усууллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усууллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлған ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қўйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологияк жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Даилилларга асосланган тиббиёт

Даилилларга асосланган тиббиётни замонавий тиббиётда ўрни. Тиббий тадқиқотларни асосий дизайнлари. Илмий тадқиқот дебочаси. Илмий тадқиқот асосий категориялар ва тушунчалар. Клиник тадқиқотлар босқичлари, клиник тадқиқот усууллари класификацияси. Ёзма, аналитик тадқиқот усууллари. Клиник – экспериментал тадқиқотлар. РКИ, Систематик шарҳ ва мета-таҳлил. Рандомизирланган тадқиқотларнинг олиб бориши усууллари. Таъсир этиш. Солишириш. Тадқиқотларни олиб борища “ниқоблаш” усулини кўллаш. Ниқоблаш усууллари. Систематик шарҳлар тузишнинг босқичлари, максади. Натижаларни баҳолаш усуулларини аниқлаш. Олтин стандарт. Асосланганлик даражаси ва тавсиялар пирамидаси. Интернетдан ишончли ахборотларни кидириш. Клиник

протоколлар ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш. Педагогик ўқув жараённида (PBL) муаммоли ўқитишни тиббиёт мактабларида ривожланиши, клиник муаммоларни яратиш ва далилларга асосланган маълумотларга асосланиш. Клиник қўйлланмалар таҳлили. Касалликлар скрининг. Профилактика ва скрининг. Профилактика даражалари. Бирламчи, иккиласми, учламчи профилактика. Даврий текширувлар максади. Замонавий таълим тизимида ДАТни ўрни ва интеграцияси.

VI. Махсус фанлар

6.1. Тиббий биологик фундаментал фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар

Тиббий биологик фанларнинг асосий максади.

Тиббий биологик фанларни клиник фанлар билан интеграциялаган ҳолда ўқитиш асослари. Касаллик (нозологик шакл ёки бирлик), синдром, симптом тушунчаларининг тиббий-биологик фанлар миқёсидаги аҳамияти.

Онтогенез, ёшга оид анатомия, нормал анатомиянинг макроскопик ва микроскопик хусусиятлари. Анатомияни ўрганишда замонавий визуализацион услублар аҳамияти.

Умумий, хусусий (махсус), қиёсий, эволюцион физиология. Одам физиологияси. Меҳнат, спорт, овқатланиш, ёшга оид одам физиологиянинг касалликларни олдини олишда, даволашда, беморлар реабилитациясида тутган ўрни.

Нормал, патологик ва клиник физиологияни ўқитишнинг замонавий усууллари.

Умумий ва хусусий (махсус) патологик анатомия. Паталогоанатомик амалиёт. Алтератив жараёнлар, мослашиш ва компенсация жараёнлари, дисциркулятор жараёнлар, яллигланиш, иммунопатологик жараёнлар, терминал ҳолатлар, тўқима ва аъзоларнинг ривожланиш нуқсонлари, ўスマлар (неопластик жараёнлар). Патологик анатомияда текшириш услублари: аутопсия, биопсия, микроскопия, молекуляр-биологик услублар (оқимли цитофлюориметрия, in situ гибридизация, полимераз занжирили реакция, микродиссекция, кўшалоқ ёки учталик тамға).

Цитология, эмбриология, умумий ва хусусий (махсус) гистология. Цито- ва гистогенез қонуниятлари, хужайра, тўқима ва аъзолар, уларнинг дифференцировкаси ва регенерацияси, ёшга оид ўзгиришлари, морфогенези, биологик, кимёвий, физик ва бошқа ташки таъсирларга реакцияси, эволюцион динамикасини ўрганишда замонавий фан ютуқларидан фойдаланиш. Гистологияни ўрганишда физика, кимё, математика, генетика,

биология, молекуляр биология, биокимё, ген инженерияси ютуқларига асосланиш аҳамияти.

Генетика ва селекция. Биотехнология ва генетика. Генетика ва тиббиёт. Ирсий касалликлар. Генетика ва экология.

Ген мутациялари. Репликация, репарация, рекомбинация ва мутацион жарабён.

Биологик кимё. Статик, динамик, функционал биокимё. Ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар ва одам биокимёси. Ферментология.

Нормал ва патологик ҳолатларда организм ҳаёт фаолияти негизида турувчи биокимёвий жараёнларнинг молекуляр асосларини ўрганишининг замонавий услублари.

Умумий, тиббий, саноат, геологик, ветеринар, қишлоқ-хўжалик микробиологияси. Микроорганизмларни микроскопик, биологик, культурал, молекуляр-генетик, серологик текширишда замонавий технологиялар, асбоб ускуналар кўлланилиши.

Иммунология, клиник иммунология, аллергология. Иммунитет танқислиги касалликлари, иммунопрофилактика, трансплантация, вакцинация масалалари.

Суд тиббиёти. Тирик шахслар экспертизаси, суд тиббий танатология, гистология, травматология, токсикология, биология, цитология, генетика, криминалистика ва суд тиббий психиатрияning мақсад ва вазифалари.

Тиббий кимё. Белгиланган биологик фаоллик турига эга дори воситалари, дори препаралари таъсирининг молекуляр механизмларининг кимёвий жиҳатлари, кимёвий структура ва физиологик фаоллик орасидаги боғлиқлик.

Фармакология: фармакодинамика ва фармакокинетикани ўрганиш услублари. Фармакоэпидемиология. Фармация. Биокимёвий фармакология. Клиник фармакология. Молекуляр фармакология. Фармакогеномика. Экспериментал фармакология.

Биофизика, биомеханика, тиббий физика мақсад ва вазифалари.

Топографик анатомияни ўрганиш усувлари: голотопия, скелетотопия, синтопия, КТ, МРТ, МСКТ, рентгенологик текширувлар, допплерография, УТТ. Топик ташхис ва status localis тушунчаларининг клиникадаги аҳамияти.

Оператив хирургияда кўлга киритилган ютуқлар: замонавий минининвазив операциялар, роботлаштирилган операция хоналари, микрохирургия, трансплантация келажаги. Соҳа, аъзо, тўқима тури, жойлашишига боғлиқ ҳолда оператив очиб кириш усувларини танлашнинг операция натижасига ва бутун организмга таъсири.

Ахборот технологиялари. Коммуникацион тармоқли ахборот технологиялари. Илмий ахборотларни излашда ихтисослаштирилган тизимлар. Маълумотлар билан ишлаш технологияси. Интеллектуал технологиялар. Структурланган ахборотларни саклаш ва таҳлил қилиш. Маълумотларни визуализациялаш технологиялари. Ментал карталар. Маълумотларни муҳофаза қилиш технологиялари. Биологик эксперимент натижаларини математик қайта ишлаш. Ахборот технологияларининг техник, дастурий, услубий, математик, ҳукукий, лингвистик, ахборот таъминоти.

Тиббий биология фанларининг мазмун ва моҳиятини ўз ичига қамраб олган мавзуларни шакллантириш, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш усувларини жорий қилиш, тиббий биология фанларига оид мавзуларнинг клиник фанлар мавзуларини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсатиш.

Тиббий биология фанларини ўрганишда изчиллик, таҳлилий ёндашиш, фикрларни мантиқий тарзда баён қилиш, мустақиллик кўнімларни.

6.2. Тиббий биологик фанлардаги илмий-услубий янгиликлар ва ютуқлар.

Тиббий биология фанлари доирасида ҳалқаро миқёсда Ўзбекистон Республикасида эришилган ютуқлар.

Табиий ва сунъий, лаборатор ва ишлаб чиқариш экспериментлари. Маълумотларни қайта ишлаш усувлари. Далилларга асосланган тиббий текширувлар моҳияти.

QSPR/QSAR (Quantitative Structure-Property/Activity Relationships) услублари, ADMET технологияси. in vitro, in vivo ва in silico текшириш услублари.

Нанотиббиёт. Сунъий кўз тўр пардаси. Бионик кўз. Нейтрон микроскоп. Сунъий хромосома. Сунъий компонентлардан тузилган ДНК. Пулсациялаш қобилиятига эга сунъий томир протезлари. Сунъий ДНК клитирик ҳужайра – синтетик бактериал ҳужайра – Синтия. Сунъий рибосома.

Эмбрионал ва етук тўқималардан олинган ўзак ҳужайралар. CRISPR иммун тизимининг аникланиши. Ёшлик эликсири (кондаги GDF11 омил). iLIMB бионик кўл.

Фикр кучи билан бошқариладиган биопротез. Мияда хотирани ёзиш ва қайта ёзиш. Биологик мияга эга робот. Сунъий юрак AbioCor. Биосунъий жигар. Сунъий бачадон. Камерали таблеткалар. Чўчқа ва одамнинг биринчи гибриди – химера.

Антивирус ва антимикроб ҳоссасига эга “Урумин” препарати. Хромосом терапия.

Тиббий биология фанларини ўқитишида замонавий лаборатор-инструментал текширув технологиялардан фойдаланиш. Биологик, гистологик, анатомик, визуализацион, биокимёвий, генетик, молекуляр, функционал текшириш услуглари методологияси

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирив ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлик вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган холда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил холда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш куйидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рацонализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув кўйлланма, методик кўйлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидар ҳамда кафедра аъзолари иштироқида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қозоғ вариантидаги манбаалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хукукий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш

соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Маҳсус адабиётлар

22. Ишмуҳамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279 б.
23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.
27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
30. Karimova V.A., Zaynutdinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.- Т.: "O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti", 2014. -192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. -Toshkent: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" DIN, 2015. -572b.
32. Бутова В.Г. Основы управления медицинской организацией / Валентина Гавриловна Бутова. - М.: LAP Lambert Academic Publishing, 2011. - 200 с.
33. Гистология. Комплексные тесты: ответы и пояснения. Учебное пособие. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2014. - 288 с.
34. Акуленко Л.В. Медицинская генетика / Л.В. Акуленко, И.В. Угаров. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2011. - 208 с.
35. Жорина Л.В. Частная медицинская вирусология: моногр. . - М.: Феникс, 2007. - 208 с.
36. Общая генетика. Методическое пособие (+ CD-ROM): моногр. / Под редакцией С.Г. Инге-Вечтомова. - М.: Н-Л, 2008. - 124 с.
37. Айзман Р. И. Проблемы подготовки преподавателя ОБЖ и пути их решения // Вестник НГПУ. - 2014. - №5. - С. 9-19.
38. Государев И.Б. К вопросу о терминологии электронного обучения. Человек и образование. №1 (42) 2015, стр.180-183.
39. Дунаев А. Медицинская микробиология, вирусология и иммунология. Учебник. В 2 томах. Том 1. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2016.- 448 с.
40. Божченко А. Самоубийство: биологические основы и факторы риска
41. Божченко Александр , Иваненко Сергей , Игорь Толмачев und Людмила Яковleva. - М.: LAP Lambert Academic Publishing, 2012. - 132 с.
42. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
43. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Тылым ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.- Т.: "Нихол" нашриёти, 2013, 2016.-2796.
44. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. – Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
45. Козин Э. М. Образование и здоровье: медико-биологические и психолого-педагогические аспекты. - Кемерово: Изд-во КРИПКИПРО, 2010. - 214 с.
46. Новиков, В.Е. Мотивация – ключевой фактор академической дисциплины и успеваемости студентов [Текст] / В.Е. Новиков // Фармация и общественное здоровье: сборник статей. – Екатеринбург, 2011. – С. 196-198.
47. Новиков, В.Е. Нравственное воспитание в медицинском образовании в современных условиях [Текст] / В.Е. Новиков, Е.В. Пожилова, Е.И. Климкина // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. – 2014. – Т. 13, № 1. – С. 76-78.
48. Новиков, В.Е. Фармакология. Практикум для самостоятельной работы студентов фармацевтического факультета. Часть I [Текст]: учебно-методическое пособие для студентов / В.Е. Новиков, О.С. Левченкова, Л.А. Ковалева. – Смоленск: СГМА, 2013. – 80 с.
49. Новиков, В.Е. Фармакология. Практикум для самостоятельной работы студентов фармацевтического факультета. Часть II [Текст]: учебно-методическое пособие для студентов / В.Е. Новиков, О.С. Левченкова, Л.А. Ковалева. – Смоленск: СГМА, 2013. – 72 с.
50. Основы медицинских знаний: учеб. пособие / сост.: Р. И. Айзман, В. Г. Бубнов, В. Б. Рубанович, М. А. Суботялов. - Новосибирск: АРТА, 2011.- 224 с.
51. Особенности преподавания медико-биологических дисциплин в подготовке психологов [Текст] / Л.К. Антропова, Г.Я. Двуреченская, Л.А. Козлова [и др.] // Медицина и образование в Сибири. – 2010. – № 3. – С. 8.
52. Первая медицинская помощь на месте происшествия, Учеб.пособие для добровольных спасателей. Т. «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008.
53. Платонов И.А. Необходимость средств технической поддержки дидактического материала на лекции [Текст] / И.А. Платонов, В.Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2011. – С. 15-16.

54. Платонов, И.А. Лекция как экспертный обзор современных знаний [Текст] / И.А. Платонов, В.Е. Новиков // Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – Смоленск: СГМА, 2007. – С. 15-16.

55. Престиж профессии врача и нравственное воспитание современного студента [Текст] / О.С. Левченкова [и др.] // Вестник Смоленской гос. медицинской академии. Специальный выпуск. Актуальные проблемы педагогики высшей медицинской школы. – 2014. – С. 156-159.

56. Управление в высшей школе: опыт, тенденции, перспективы: аналитический доклад [Текст] / В.М. Филиппов, Б.П. Агранович, В.М. Кутузов [и др.] // Руководитель авторского коллектива В.М. Филиппов. – М.: Логос, 2005. – 540 с.

57. Физиологические основы здоровья: учебное пособие / отв. ред. Р.И. Айзман. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Инфра-М, 2015.-351 с.

IV. Интернет сайты

58. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz

59. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

60. www.ziyonet.uz

61. [https://meduniver.com/](http://meduniver.com/)

62. [https://www.udemy.com/ru/](http://www.udemy.com/ru/)

63. [https://www.adaptlearning.org/](http://www.adaptlearning.org/)

64. [https://ru.khanacademy.org/](http://ru.khanacademy.org/)

65. [https://codecombat.com/](http://codecombat.com/)

66. [https://blendedlearning.pro/](http://blendedlearning.pro/)

67. [https://www.ispring.ru/](http://www.ispring.ru/)

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг маҳакасини ойништари ташкил этиш бош юнандиши макори маркази

Директор: А.Н. Шоймарданов
2019 й.

Тошкент тиобиёт академияси ҳузуридаги педагог ва хадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг маҳакасини ойништари тармок маркази

Директор: Л.Н. Туйчиев
2019 й.

Тошкент тиобиёт академияси ҳузуридаги педагог ва хадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг маҳакасини ойништари тармок маркази

Директор: У.А. Ташкенбаева
2019 й.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Согликни сақлаш вазирлиги
Фан ва таълим Бош ботшармаси

Ботшарма бошлиги
“ ” Ў.С.Исмаилов
2019 й.

М.ў.